Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 13 декабрь, шанба • № 99 (10.978) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ АҚМОЛАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти — Ақмолага жўнаб кетди. Сафар олдидан журналистлар билан бўлган суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Маълумки, ўзбек, қозоқ ва қирғиз тарихан ил-дизи бир халқлардир. Шунинг учун ҳам биз ҳар доим бир-биримизга ҳамдам, ҳамкор бўлишимиз керак. Шундагина барчамиз кўзлаган улуғ мақсадларга эришамиз. Сир эмаски, халқларимизнинг тарихий дўстлигига раҳна солишга ҳаракат қиладиган кучлар ҳам йўқ эмас. Биз эса четдан бўлаётган ҳар қандай сиёсий ўйинларнинг туб моҳиятини яхши англаб олмоғимиз зарур. Зеро, бир-биримизни ўзаро тўғри тушунишимиз, қўллаб-қувватлашимиз ўтиш даври қийинчиликларини тезроқ бартараф этишга кўмаклашади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, аввало, ягона иқтисодий маконни барпо этишга қаратилган. Хусусан, энергетика, экология, сув ресурслари, озиқ-овқат масалалари бўйича аниқ режа асосида иш юритишимиз, шу билан бирга, табиий бойликлардан ҳам ўзаро оқилона файдаланмоғимиз лозим. Чунки, бу уч мамлакат бир-бири билан ҳар томонлама чамбарчас боғланиб кетган. Сафаримиздан кўзланган яна бир мақсадимиз бизга қардош юрт халқини қўшалоқ байрам — Қозоғистон Республикаси мустақилликка эришганининг 6 йиллиги ва Ақмола мамлакатнинг янги пойтахти деб эълон қилинганлиги билан қутлашдир.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

"КОНМИТ" ТАМҒАСИ БИЛАН

Бўстонлиқ туманида Англиянинг қатор фирмалари билан биргаликда барпо этилган гўшт консервалари ишлаб чиқарадиган яна бир қўшма корхона ишга туширилди

ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар ва туманларида хорижий мамлакатлар фирмалари билан ҳамкорликда барпо этилган ўнлаб катта-кичик кўчма корхоналар ишлаб турипти. Энг муҳими, улар истеъмол бозорини турли хил рўзғорбоп буюмлар ва хизматлар билан тўлдиришга ёрдам бермоқдалар. Айримлари оёққа мустаҳкам туриб олиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтирмоқдалар, бозор талабларини ўрганиб, буюмларнинг янги харидоргир турларини тайёрлашни йўлга қўймоқдалар.

Шу нуқтаи назардан олмониялик тадбиркорлар билан Ғазалкентда барпо этилган "Конвин" қўшма корхонаси жамоасининг фаолияти таҳсинга сазовордир. У кўплаб харид қилинаётган крекер печеньелари ва ҳар хил бошқа ширинликлар ишлаб чиқаришни ой сайин ошириб бормоқда.

Яқинда бу ерда яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Унинг таркибидан янги корхона ажралиб чиқди. Унга "Конмит" деган ном берилди. Янги корхона асосан гўшт консервалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Лекин, фақат шу маҳсулотни тайёрлаш билан чекланмайди. Қатор бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилади. Бунинг учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ҳозирнинг ўзидаёқ корхонада ўрнатилмоқда.

"Конмит" мустақил ҳисобланади. Уни "Ўзмевасабзавотузумсаноати" холдинг ҳиссадорлик жамияти билан Англиянинг қатор фирмалари биргаликда барпо этдилар. Бу ерда хориждан келтирилган унумли ва замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Улар асосан Австриядан олиб келинди. Бошқалари Олмониядан келтирилди, мамлакатимизнинг айрим машинасозлик корхоналари ҳам уни жиҳозлашда иштирок этди.

— Дастлабки гўшт консерваларини харидорлар ҳукмига ҳавола қилдик, — дейди қўшма корхона раҳбари Сергей Солихович Мўминов. — Ҳар куни шартли 40 мингта шундай консерва ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотимиз фан ва техниканинг энг сўнги ютуқлари асосида яратилган замонавий технология асосида тайёрлангани учун жаҳон мезони даражасида бўлмоқда. Ҳозирча бир сменада ишлаб турибмиз, вақти келиб корхона уч сменада ишлайдиган бўлади. Ўшанда маҳсулот ҳажми ҳам шунга яраша кўпаяди.

Корхона тўла қувват билан ишлашга ўтганидан кейин ойига шартли бир миллион дона консервалар ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Ўз навбатида ишчи-хизматчилар сафи ҳам кенгаяди. Ҳозирги вақтда банд бўлмаган ўнлаб ғазалкентлик фуқаролар иш билан таъминланади. Шу кунларда корхонада 25 нафар киши ишламоқда. Иш уч сменада ташкил этилгач меҳнат қилувчилар сони юз нафарга яқинлашиб қолади.

Ўзбекистонда гўштнинг танқислиги ҳаммага маълум. Корхона маъмурияти буни ҳам ҳисобга олиб қўйди. Таъминот масаласида чет элликлар билан ҳамкорлик қилиш режалаштириляпти. Жумладан, жаҳонда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг йирик экспортчилари ҳисобланган Австралия, Янги Зеландия, Исроил фирмалари билан алоқа боғланмоқда.

Бундан ташқари, корхонада крекер печеньеларини ҳам ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Бунинг учун Англиянинг "Беккер" ва "РИБ" фирмалари билан шерикчилик қилишга келишиб олинди. Бундай печеньеларнинг олти хили, жумладан, пиёзлиси тайёрланадиган бўлади. Шунингдек, икки хил вафли ҳам меҳнаткашлар дастурхонига етказиб берилади.





Ҳамид МАҲМУДОВ,
Даврон АҲМЕДОВ.
Муаллиф суратлари.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

"БЕК-ДИЛ" КЕНГАЙМОҚДА

ОҲАНГАРОН туманидаги "Бек-дил" хусусий дорихонасининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, ушбу мўъжазгина тиббий мажмуа 30 га яқин дори-дармон ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик қилиб, аҳолига самарали фаолият кўрсатиб келаётир.

Дорихона бошлиғи Адҳам Мирзаев корхонани кенгайтириш тараддудида ҳамон изланмоқда. Эл саломатлигини таъминлашни ўзининг асосий бурчи деб билган корхона бошлиғи яқинда яна бир қатор хайрли ишларга қўл урди. У ўз ҳисобидан "Бек-дил" фирмасига қарашли дори-дармон шахобчаси ва шинамгина новвойхонани ишга туширди. Энг муҳими, дори-дармонлар арзон ва талабга жавоб бера олиши, бўрсилдоқ нонлар эса ҳамиша иссиқ ва ширинлиги билан мижозларни қувонтирмоқда.

Отабек ҒАФФОРОВ.

АНИҚ РЕЖА АСОСИДА

"ЎЗБЕКИСТОН металлургия комбинати" ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида атроф-муҳит мусаффолигини яхшилашга тобора катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун чиқиндилар, ҳаво ҳамда сув ҳавзаларини булғатувчи моддалар чиқаришни камайтириш ишлари аниқ режа асосида амалга оширилмоқда.

Яқинда шу мақсадга қаратилган яна бир йирик тадбир ниҳоясига етказилди. Маълумки, пўлат эритиш цехлари ҳавога жуда кўп миқдорда зарарли газ чиқаради. Уларнинг учтасида ифлос чиқиндиларни ушлаб қолувчи фильтрлар янгиланди. Натижада булғатувчи моддаларни ташқарига чиқариш бир неча тонна камайди. Ҳаммаси бўлиб фильтрларнинг сал кам бир мингта қисмлари алмаштирилди ва бунинг учун 1 миллион 866 минг сўм сарфланди. Бу назарда тутилганига нисбатан икки баравар кўпдир. Амалда 944 минг сўмлик шундай ишларни бажариш назарда тутилган эди.

Тамара КРИКУНОВА.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Яқинда республика "Камолот" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлимида 1997 йилнинг ўн бир ойлик фаолиятига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими раиси Ёқубжон Турсунов очди. У сўнгги йилларда республикамиз ёшларининг мамлакатимиз ижтимоий қурилиши соҳасидаги эришаётган ютуқлари, шунингдек, қилинажак ишлари тўғрисида гапирди. Анжуманда вилоят жамғармасининг шаҳар ва туман бўлинмаларида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам рўй-рост тилга олинди.

Йиғилишда "Меҳнат ярмаркалари ойлиги"ни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда "Қизикчи-97" кўрик танловининг вилоят бўйича якуний босқичи шу йилнинг 16 декабрь куни ўтказилиши белгиланди.

Жўра МАҲМУД.

ҚЎШИҚЛАР ОРҚАЛИ ДИЛЛАР ПАЙВАСТА

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати жамоаси билан Навоийдаги турдош корхона жамоаси кўп йиллардан бери бир-бирлари билан дўстлашиб, мусобақалашиб ишлаб келмоқдалар. Жамоа вакиллари тез-тез учрашиб тажриба ва ютуқларини ўртоқлашадилар, лозим бўлганида зарур ёрдам берадилар.

Улар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик бошқа соҳалар ходимлари ўртасида ҳам мустаҳкам алоқа боғланишига олиб келди. Яқинда Навоий кон-металлургия комбинатидан ташкил топганига 25 йил тўлган "Фарҳод" маданият саройи санъаткорлари Олмалиқ шаҳридаги ҳамкасблари ҳузурига меҳмон бўлиб келиб, ўз санъатларини намойиш қилдилар. "Мажнунтол" хори, хореография, "Байрам" татар-бошқирд ҳамда "Ширин" ўзбек ашула ва рақс дасталари иштирокида намойиш этилган катта концерт Олмалиқ металлурглари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. "Металлург" маданият саройи раҳбари В. Н. Наймушина меҳмонларга қимматбаҳо совғалар тақдим этди. Энди навбат олмалиқлик санъаткорларга. Улар ҳам Навоий ва Зарафшон шаҳарларига сафар қилиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ольга БЛИНКОВА.

1998 йил — Оила йили

ОНА АЗИЗ, ОИЛА МУҚАДДАС

Оила бу Ватан, миллий фаровонлигимиз, тараққиётимиз негизидир. У қадим-қадимдан юксак мавқега эга бўлган. Юртбошимизнинг 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилишларида оламжаҳон маъно бор. Зеро, оила муқаддас маскан, аёл, Она эса оиланинг энг табаррук пойдеворидир.

Мамлакатимизда 1998 йилнинг "Оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан вилоятимизнинг Янгийўл туманидаги "Қовунчи" ҳамда Чиноз туманининг Амир Темур номли жамоа хўжаликларида "Оила, она, аёл" мавзуида туман фаоллари, қишлоқ аёллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Дилбар Ғуломова жамиятимизда аёлларнинг соғлом, етук, баркамол авлодни вояга етказишдаги тутган ўрни, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аёлларнинг турмуш тарзини яхшилаш, оналик ва болалик ҳуқуқини, меҳнат муҳофазасини ҳимоя қилиш каби долзарб масалалар ҳақида гапирди. У юртбошимизнинг Конституциямиз беш йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида аёлларимизга берган баҳосини, оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — Она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳр-мурувватти, садоқати ва вафодорлигидир, — деган сўзларини яна бир таъкидлар экан, бу оналар, хотин-қизлар зиммасига янада катта масъулият юклашини айтди.

Йиғилишда, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокими муовини Сайёра Хўжаева, Янгийўл тумани ҳокими Йўлдош Тожибоев, Чиноз тумани ҳокимининг биринчи муовини Абдурашид Носировлар ҳам оила, она, аёл ҳақида, бугунги кунда туманларда оила фаровонлиги йўлида қилинаётган ва қилинажак ишлар хусусида гапирдилар.

Учрашув савол-жавоблар билан янада қизиқарли бўлди.

Рўзибой ҲАМИДОВ.

ЁРҚИН ИЗ ҚОЛДИРАДИ

ОЗОД ва мустақил мамлакатимиз йўлбошчиси Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги нутқини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ҳар бир сатри, ҳар бир сўзи мазмуни, моҳияти билан менда катта таассурот қолдирди.

Юртбошимиз келгуси йилни оила йили бўлсин, деган таклифни ўртага ташлади. Республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори бизнинг оиламиз ҳам уни тўла маъқуллаб кутиб олди. Бу жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланган оила ҳақидаги, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш тўғрисидаги ғамхўрликнинг ёрқин далили сифатида катта аҳамиятга эгадир. Бу фуқароларимизнинг фаровонлигини юксалтириш бундан буён ҳам давлатимиз, ҳукуматимиз фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолажаклигини кўрсатади.

1997 йил Президентимизнинг ташаббуси билан инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган эди. Бу йил давомида халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган жуда кўп тадбирлар амалга оширилди. Биз бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз. 1998 йилнинг оила йили деб эълон қилиниши ҳам шунга хизмат қилади, биз бунга аминмиз. Ҳеч шубҳасиз, бу йил ҳам ҳар бир оила ҳаётида ёрқин из қолдиради.

П. ДИМКОВИЧ,
Ангрендаги "Элерем" корхонаси устаси.

РОҲАТЛАРИНИ КЎРГАНИМИЗГА ШУКР

УМР йўлдошим Баҳодир Манасов ўттиз йилдирки, механизаторлик қилиб келмоқдалар. Ўн фарзандимдан тўрт нафари ота касбини танлашди. Бу йил ўғилларим Бахтиёр, Икромлар 120—130 тоннадан пахта теріб беришди. Ихтиёр уч йилдирки, бригада бошлиғи. Илгари у ҳам трактор ҳайдаб, эл оғзига тушган эди. Эндиликда кўпчиликка бош. Учовлари ўзлари ишлаётган "Дўстлик" ҳиссадорлик жамиятида хурмат топганларидан биз ота-она сифатида қувониб кетамиз. Қизларимнинг бири тикувчи, бири тўқувчи, қолган фарзандларим ҳам техникага ҳавас қўйишган. Бир ўғлим фермер. Ўғил-қизлар роҳатини кўраётганимиздан хурсандмиз. Уларнинг маҳалла-кўй ҳашарларида, яхши кунлари, гоҳо мусибатли пайтларида биргаликда хизмат қилаётганликларини кўриб аҳил-иноқликларидан фахрланамиз.

Президентимизнинг Конституция байрамидаги сўзларида келгуси йилни "Оила йили" деб эълон қилганликлари менга маъқул бўлди. Чунки, оила тарбияли, юртга содиқ бўлса, фарзандлар эзгулик йўлларини тез топадилар, жамиятга фойдали инсонлар бўлиб етишадилар. Буни биз ўз ҳаётимизда кўрдик.

Ҳимоя МАНАСОВА,
Юқоричирчиқ тумани "Дўстлик" ҳиссадорлик жамияти ишчиси.

Ислоҳот одимлари

ДУНЁ БОЗОРИДА ТАН ОЛИНДИ

"Ўзбекрезинотехника" ишлаб чиқариш бирлашмаси. Ангрен шаҳрида бу корхонанинг ташкил топганига йигирма йилдан ортиқ вақт бўлди. Собиқ иттифоқ тасарруфида бўлган йиллари бу корхона фаолияти асосан ҳарбий мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган эди. Давлатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин бу мақсадлар чекланиб, уларнинг ўрнига халқ эҳтиёжига мос маҳсулотлардан миллий, шарқона услубдаги бежирим калишлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Энг муҳими маҳсулот турини кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш борасидаги ҳаракат ва изланишлар қисқа вақт ичида ўз самарасини берди. Бирлашма бош директори Аброр Мансурович ЮСУПОВ билан суҳбатимиз ҳам ана шу иқтисодий изланишларнинг асосий омиллари ҳақида бўлди.

— Аброр Мансурович, бирлашма бозор иқтисодиёти қийинчиликларини бугун ортда қолдирди, десак хато қилмаймиз. Бизнингча, бунда чет сармоядорлари билан ҳамкорликка интилаётганингиз, илғор иш услубларидан кенг фойдаланаётганингиз муҳим роль ўйнаяпти. Шундай эмасми?

— Тўғрисини айтсам, асосий масала — бозор талабини ўрганишда. Биз бунга ўз тажрибамизда яна бир карра амин бўлдик. Сир эмас, бизнинг бозор иқтисодиётига ўтганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин биз ҳам бу жараёндан четда қолмадик. Зеро, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бу жаҳонга юз тутиш демакдир.

Менинг чет давлатларга навбатдаги сафарим Испанияга бўлди. Бу давлатда ишлаб чиқариш юксак даражада ривожланган. Айниқса, каттами-кичикми, ҳар бир корхона ё фирма ўз иқтисодий тараққиётига эга. Бунинг гувоҳи бўлар эканман, қани эди биз ҳам шу даражага етишсак, деган фикр ҳаёлимдан ўтди.

— Албатта, яхши ният ярим давлат. Сиз сафар давомида, яъни Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган Олтин Юлдуз халқаро конвенциясининг XXIII — халқаро анжуманида иштирок этдингиз ва унда Сизга олий мукофот топширилди. Шу мукофот ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Авваламбор, бу мукофот жамоамизнинг бозор иқтисодиёти жараёнида қўлга киритган ютуқлари учундир. Зеро, корхонамиз ўтган қисқа давр ичида бозор иқтисодиёти шароитларига мослаша олди.

Мен анжуманда иштирок этиб, шу нарсага ҳурсанд бўлдимки, бу олий мукофот яқин келажакда бирлашмамизга дунё катологига кириш ҳуқуқини беради ва чет эл сармоядорлари билан ишлаш йўлида биз учун янги имкониятлар эшигини очади. Албатта, биз эртанги кунимизни, иш режаларимизни бугунги ютуқларимизни мустаҳкамлаган ҳолда ташкил этмоғимиз керак.

«Олтин юлдуз» - Халқаро сифат мукофоти — Ангрен кимёгарларида

— Аброр Мансурович, Сиз айтмоқчи бўлган режалар нималардан иборат?

— Келгуси йил режаларимизга замин яратаётган жорий йилдаги ютуқларимизга тўхталсам. Ўзингизга маълум, бозор иқтисодиёти қийинчиликлари корхонани ҳам четлаб ўтмади. Айниқса, хом ашё тақчиллиги, таъминотдаги узилишлар ҳафталаб, балки ойлаб "танаффус"ларни вужудга келтирди. Лекин бирлашма раҳбарияти томонидан вақтинчалик таътилга чиқарилган ишчиларнинг ҳар бирига ойига маълум миқдорда нафақа ажратилди. Энг муҳими, "танаффус"ларнинг чўзилиб кетишининг олдини олиш, яъни ишлаб чиқариш цехларини зарур хом ашё билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди.

Бирлашмамиз давлат тасарруфида. Мавжуд тангликдан қутулишнинг ягона йўли ҳукуматдан ёрдам сўраш эди. Албатта, илтимосимиз ижобат топиб, кредит ажратилди. Табиийки, бу эркин айрибошланадиган валюта шартномалар бўйича четдан хомашё сотиб олишга имконият эшигини очди. Шунингдек, солиқ тўловлари бўйича ҳам мумкин қадар имтиёзлар яратилди.

Хуллас, хом ашё таъминотидаги узилишлар ана шу тадбирлар натижасида барҳам топиб, асосий цехлар яна тўла қувват билан ишлай бошлади. Чунки мавжуд маблағ эвазига каучук, белила, қурум сингари хом ашёларнинг Россиядан келтирилиши йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, биз жорий йилни 122 миллион сўмлик соф даромад билан якунлаш мақсадидамиз. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солиб келаяпмиз.

1998 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режамиз вазирлик томонидан ижобий баҳоланди. Бу режа шуниси билан ҳам аҳамиятлики, унинг ҳар бир банди даромад ва харажатларнинг аниқ ҳисоб-китоблари асосида тузилган. Шунингдек, биз ҳаражат турларини мумкин қадар камайтиришга ҳаракат қилдик.

Албатта, ишлаб чиқариш меҳнат аҳлини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳисобига ўсиши ҳаммамизга маълум. Демак, ҳар қандай белгиланган режа ва ҳисоб-китоблар биринчи навбатда ишчилар манфаатини кўзда тутади. Шунинг учун биз бирлашмамизда ўртача ойлик маош миқдорини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Йил бошида ўртача маош 2200 сўмни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 5500 сўмга етказилди, яъни 2,5 баравар ошди.

— Аброр Мансурович, бирлашма маҳсулотига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бу талабларни қондириш учун қандай ишлар қилинаяпти?

— Бу талабларни қондириш учун биз яна хорижлик сармоядорларнинг илғор иш тажрибаларига таянамиз. Испанияда бўлганимизда шунинг шоҳиди бўлдикки, ишлаб чиқариш корхоналари, фирмаларда ҳужжатбозлик ва расмиятчиликка йўл қўйилмас экан. Демоқчиманки, биз ҳам буюртмачи ва харидорлар ишини енгиллатиш мақсадида республикамизнинг бир қатор вилоятлари, жумладан, Наманган, Навоий, Самарқанд шаҳарларида маҳсулотимизни сотиш ва аҳоли эҳтиёжини ўрганиш учун махсус пунктлар очдик. Бундай пунктларни келгусида Қашқадарё, Андижон ва Хоразм вилоятларида ҳам очишни мўлжаллаяпмиз.

Бизнинг яна бир ютуғимизни таъкидламоқчиман. Олдин хориждан хом ашё олиб келган Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари учун ўзимиз шундай материаллар етказиб бераяпмиз.

— Кўриниб турибдики, бирлашмада ишлаб чиқариш ҳажми ортган сайин маҳсулотнинг янги турлари ҳам кўпаймоқда.

— Албатта, бу давр талаби. Биз аввало маҳсулот турларини кўпайтирмай туриб, тараққиётга эришишимиз қийин. Шуни ҳисобга олган ҳолда бугун биз навбатдаги янги маҳсулот — енгил автомашиналарда ҳайдовчи ва йўловчилар учун хавфсизликни таъминлайдиган қайиш (ремен)лар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш арафасидамиз. Айни пайтда бунинг учун лойиҳалар тайёр, улар тасдиқланган. Яқин орада бу хайрли мақсадларга эришамиз, деган умиддамиз.

Хуллас, бирлашмамизнинг истиқболи порлоқ. Биз Халқаро Олтин Юлдуз конвенцияси томонидан берилган Олий мукофотга муносиб бўлиш учун кимё саноатини янада ривожлантириш, маҳсулот сифатининг юксак бўлишини таъминлаш, энг муҳими, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида янги-янги марраларни эгаллаш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

Суҳбатни "Ангрен ҳақиқати" — "Ангренская правда" газетасининг бош муҳаррири Абдураҳим РАЗЗОҚОВ олиб борди.

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги "Қорасув" пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқараётган 500 тоннадан ортиқ тола Нидерландияга жўнатилган эди. Бошқа чет эл мамлакатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Яқинда корхона маъмурияти Швеция ва Хитой давлатларига яна 10 минг тоннадан ортиқ тола сотиш юзасидан шартнома тузди ва уни бажаришга киришди. Суратда: корхона механиги Ш. Қосимов ва оператор Х. Холматова иш юзасидан ўзаро суҳбатлашмоқда.

Холмурод МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИ ИШОНЧЛИ МУҲОФАЗА ҚИЛИНМОҚДА

Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги оналар саломатлиги эндиликда ишончли муҳофаза қилинмоқда. "Дўстлик" акциядорлик жамияти ҳудудида очилган янги тиббий марказ шифокорлари улар ҳақида доимий ғамхўрлик қилишмоқда.

Халқаро ҳамкорлик бўйича Корея агентлиги бу марказга қиймати 140 минг АҚШ долларига тенг бўлган энг замонавий ташхис ва муолажа ускуналарини текинга берди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг мутахассислари барча зарур аппаратлар, жумладан мураккаб жарроҳлик операцияларини ўтказиш учун зарур бўладиган асбоблар рўйхатини тузиб берган эдилар. Улар марказда ишлаш учун олий малакали, тажрибали шифокорларни жалб этишда ҳам ёрдам бердилар. Бу ерда экстрагенитал, ҳомиладорлик паталогияси ва гинекология бўлимлари ташкил этилди.

Оғир касалликка учраган аёллар марказда тўла тиббий кўрикдан ўтказилади ва даволанади, касалликнинг енгил турларида уларга истиқомат жойида, тумандаги кўпгина хўжаликларда ишлаб турган кундузги стационарларда ёрдам берилади. Марказ шифокорларининг шошилинч маслаҳатлари зарур бўлиб қолса, уларнинг ўзлари беморлар ҳузурига боришади. Бунинг учун шифохона ҳомийси — халқаро ҳамкорлик бўйича Корея агентлиги "тез ёрдам" машинасига мослаб жиҳозланган иккита "Дамас" автомобили ажратди.

Марказда тумандаги шифокорларга бир марта бўлсада мурожаат қилган барча аёллар саломатлигини доимий назорат қилиб турадиган яна бир янгилик бор. Шу мақсадда бу ерда маълумотларнинг компьютер банки тайёрланмоқда. Шифокор ёрдамчисига айланган электрон ҳисоблаш машинаси режали асосда тиббий кўрикдан ўтказиш, эмлаш тўғрисида шифокорга тавсия беради, шунингдек ахборотлар базасида сақланаётган маълумотларга асосланиб, тўғри ташхис қўйишга кўмаклашади.

Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

АДВОКАТЛАР СУҲБАТ ЎТКАЗМОҚДАЛАР

МУСТАҚИЛ республикамизда ҳуқуқий демократик давлатнинг қарор топиши ва фуқароларнинг бу йўналишдаги саводхонлиги, маданиятини ошириш борасида Тошкент шаҳар 2-Юнусобод ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокатлари эътиборга лойиқ ишларни амалга оширмоқдалар.

Улар шу хусусий маслаҳатхона мудири Аҳмаджон Ҳасанов бошчилигида маҳалла, олий ўқув юртларида, мактабларда, корхона, муассасаларда Президентимизнинг фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва жамиятимизнинг янги қонунларига оид қатор суҳбатлар ўтказдилар.

Хусусан, "Ўзбекистон фуқаролик ва жиноят процессуал мажмуи", "Меҳнат қонунлари мажмуи"ни тушунтиришда адвокатлардан П. Жўраев, Ю. Воронин, Г. Мухторов, Н. Таштоева, О. Исахова, М. Расуловаларнинг хизматлари катта бўлди.

Яқинда бу ерда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобининг ҳуқуққа дахлдор боблари юзасидан ўтказиладиган мулоқотлар режаси белгилаб олинди. Мазкур тадбирлар тизимига кўра ҳуқуқ ходимлари Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида ҳам учрашувлар уюштирадилар.

Забихилла МУҲАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос.

ҲАМИША ЯРАДИ ХАЛҚ ХИЗМАТИГА

Устоз, мураббий... Бу сўзларни тилга олганда оламга офтоб чиққандай, эшик ланг очилиб, уйга қиёматлик дўстинг кириб келгандай бўлади. Шундай сеҳргар, мўътабар сўзлар бу. Шу муқаддас тушунчани умр бўйи ардоқлаб, эъзозлаб юрамиз. Устознинг муборак ва қутлуғ номи тилга олиниши билан дилимиз яйраб, кўнглимиз равшан тортади.

Профессор Тўғон ака Эрназаров чорак аср давомида бор билимини, мударрислик маҳоратини, қалб ҳароратини толиби илмларга, ҳамкасб шогирдларига тенг улашиб келган камтарин, заҳматкаш, бағри кенг, дарё мисол одам эди. Дорулфунун у зот учун меҳрибон устоз-мураббий, гўзал, эркин, оддий ва мусаффо муносабатлар ҳукм сурган бир зиё маскани эди. Ёшлар доимо у кишига талпинишиб бизга устоздан буюрган дейишар, у киши эса менга шогирдлардан буюрган деб фахрланар эдилар.

Т. Эрназаров 1922 йилда Тошкентда таваллуд топди. Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларида газета таҳририятлари, радиога қатнаб журналистика соҳасида қаламини чархлаб, ижодий тажриба орттира борди.

Уруш йилларида жанг майдонларида бўлди. Сталинграддан Прагага қадар бўлган жанговар йўлни бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан босиб ўтди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон ёшлари газетасида адабий ходим, бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари, "Билим" жамиятида муҳаррир бўлиб хизмат қилди. Москва олий мактаб тингловчиси бўлди. Уни муваффақиятли тугатиб, фан номзоди илмий даражасини олди. Хозирги "Ўзбекистон овози" газетасида масъул котиб бўлди, айни вақтда, Тошкент Давлат дорулфунунининг журналистика кафедрасида ўқитувчилик қилди. Ўн йил кафедра мудири бўлиб ишлади. Бу йиллар давомида катта ҳаёт тажрибасини орттириб, билимини чуқурлаштирди, педагогик маҳоратини оширди. 1965 йилда "Ўзбекистон матбуоти янги жамият қуриш учун курашда" мавзусида докторлик диссертацияси ёқлади. Устозимиз Ўзбекистонда дастлаб журналистика фанининг алломаси даражасига кўтарилган, шу соҳада биринчи фан доктори, биринчи профессор бўлган эди.

1967 йилдан бошлаб Тўғон Эрназаровнинг Тошкент университетидаги қизғин фаолияти бошланди. Журналистика факультетининг декани лавозимига сайланди. Ўн беш йил давомида матбуот назарияси ва амалиёти, матбуот тарихи кафедраларини бошқарди. Юқори малакали журналист мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ва салмоқли ҳисса қўшди. Илмий

Яхшилар ёди

тадқиқот ишларида янги йўналишларни бошлаб берди. Ўнлаб ёш олимларга раҳбарлик қилди. Ўзбек журналистикаси тарихига оид дастурлар, қўлланмалар, дарсликлар яратди.

Тўғон ака журналистлар сулоласига асос солганлардан бири. Фарзандлари Қудратжон, Азизжон, Шоҳистахон ота изидан бориб, журналистлик касбини эгаллашди. Набиралари Шохруҳ ва Шаҳнозалар Тош-ДУнинг журналистика факультетида таҳсил олишяпти. Қудратжон ота ҳаётлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Мана, эндиликда докторлик диссертациясини ниҳоясига етказмоқда. От ўрнини той босади, деб шуни айтсалар керак.

Тўғон Эрназаровдан бизга фидойилик, ҳамкасблар ва шогирдларга меҳр-оқибат, жамоат ишларида фаоллик, ўрганса арзийдиган педагоглик маҳорати, "Туркистонда вақтли матбуот", "Эллик йил сафда", "Ўзбекистонда халқ матбуотининг равнақи", "Жангчи қалби", "Европа бўйлаб" каби монография ва бошқа китоблар, шогирди А. Акбаров билан ҳамкорликда яратилган "Туркистон матбуоти тарихи", "Ўзбекистон матбуоти тарихи" дарсликлари мерос бўлиб қолди.



Унинг юзлаб шогирдлари нафақат Ўзбекистонда, балки, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлардаги оммавий ахборот воситаларида ҳам жўшқин ва самарали меҳнат қилмоқдалар. Устоз ҳаёт бўлганларида шу кунларда 75 ёшларини қаршилаган, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни амалга оширишда камарбасталик қилиб турган бўлар эдилар. Жаҳон маданиятининг даҳоларидан бири Низомий Ганжавий шундай деган эканлар:

Ҳамиша ярагил халқ ҳизматига,
Безак бўл оламу одам зотига.

Журналист ва олим, ёшлар мураббийси, ажойиб инсон Тўғон ака Эрназаров ана шундай оламу одам зотига безак бўлаолган аллома эди. Унинг порлоқ хотираси авлодлар қалбида мангу яшайди.

Анвар КАРИМОВ, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети доценти.

Долзарб мавзу

ҚИШ БЕКОРЧИЛИК ЭМАС

Вилоят хўжаликларида дала ишлари қандай боряпти?

Куз ўтди, қиш келди. Режасини эрта бажариб, етиштирилган ҳосилни барвақт саранжомлаб олган хўжаликларда шудгорлаш ҳам поёнига етай деб қолди. Ўртачирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли ҳиссадорлик жамиятида кузги-қишки ишлар айниқса қизғин боряпти.

— Ўтган йили ҳам қорли-қировли кунлар бошлангунча барча экин майдонларини чуқур қилиб ҳайдаб қўйгандик, — дейди хўжалик раиси Нуриддин Турғунов. — Бу эса қиш бўйи дам олган далаларга эрта чигит экиш ва пировардида ғўзаларни эрта етилтириб, мўл ҳосил тўплаш имконини берди. Биз бу йил ҳам шунга қатъий амал қиляпмиз. Ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш-деҳқончиликнинг асосий қоидаси. Шунга амал қилсагина деҳқон ютади, албатта.

Тумандаги "Гулистон", "Роватак" ва бошқа хўжаликларда ҳам қишки дала ишлари авж олдирилмоқда. Ариқ ва зовурлар тозаланяпти. Маъданли ва маҳаллий ўғитлар далаларга ташиб чиқарилмоқда. Шудгор билан бирга ерга фосфорли ва маҳаллий ўғитлар аралашмаси ҳам солиб кетиляпти.

— Бу агротехниканинг муҳим талаби, — дейди Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигининг илғор бригадаси бошлиғи Абдуҳамид Пўлатов. — Ўғит тушган ер ҳамирдай кўпчийди, баҳорда эрта етилади, ғўзага яхши шимилади ва ҳосилга ҳамиртуруш бўлади.

Қуйичирчиқ туманидаги "Тошовул",Янгийўл туманидаги "Тинчлик", Абдулла Ортиқов номли, Бекобод туманидаги "Навбаҳор" ва Алишер Навоий номли жамоа хўжаликларида бўлганимизда худди шундай иш қилинаётганини кўриб кўнглинг қувонса, баъзи хўжаликларда эса аксинча хотиржамликка берилиб, ерни ғўзапоялардан тозалаш ҳам, шудгорлаш ҳам, ўғит жамғариш ва далага чиқариб тўкиш ишлари ҳам пайсалга солинаётгани устидан чиқиб, хунобинг ошади. Қуйичирчиқ тумани хўжаликларида худди шундай бўляпти. Бу ерда ғўзапоядан тозаланиши лозим бўлган 11 минг гектар майдоннинг энди 3190 гектаригина қўлдан чиқарилибди. Бу ишдаги қолоқлик эса ўз навбатида бошқа тадбир — ер ҳайдаш суръатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада 17 минг 900 гектар майдоннинг 8542 гектаригина шудгорланди. 144 та ҳайдов тракторларидан 72 тасигина ишлаяпти. Гарчи туман бўйича 5 та кучли "Магнум" тракторлари бўлса ҳам улар билан кунига 90 гектар ер шудгорланяпти, холос.

Пскент тумани хўжаликларида ҳам ана шундай ачинарли аҳвол. 4456 гектар ер шудгорланди. 80 та ҳайдов тракторининг 47 таси бекор турибти. Шу сабабли бир кунда фақат 202 гектар ер ҳайдовдан чиқарилмоқда. Бу мавжуд имкониятлар ҳисобга олингудек бўлса жуда ҳам оз. Агар суръат ана шундай давом этаверадиган бўлса 11 минг 503 гектар ерни ҳайдаш учун камида яна икки ой вақт керак бўлади. Бу экин майдонларининг талай қисмини шудгорлаш баҳорга қолдирилади деганидир. Туманда ўтган йили ҳам худди шундай воқеа содир бўлган, анчагина майдонлар кўкламда ҳайдалиб, чигит экилган эди. Агротехника қоидаларининг бу тарзда бузилиши эса ўз навбатида ғўзанинг кечки бўлишига, ҳосил вақтида пишиб етилмай, йиғим-терим чўзилиб кетишига ва режа бажарилмай қолишига олиб келди. Бу йил ҳам ер ҳайдаш ҳамда қишки дала ишлари чўзилиб кетаётгани туман ва хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари хатолардан тегишли хулоса чиқариб олмаётганликларини кўрсатмоқда.

Қиш — маҳаллий ва маъданли ўғитлар тўплаш ва далага ташиб чиқариладиган давр. Бироқ Бекобод ва Чиноз туманлари хўжаликларида бу ишларнинг бориши ҳам талабга жавоб бермайди. Режа бўйича ўғит ташишга ажратилиши лозим бўлган автомашина ва тиркамали тракторларнинг аксарият қисми бошқа ишлар билан банд қилиб қўйилибди. Наҳотки хўжалик раҳбарлари ўтган йили ҳам бу ишга етарли эътибор бермаганликлари сабабли қишки дала ишларида рўй берган сусткашлик пировардида пахта тайёрлаш режасининг ўлда-жўлда бўлиб қолишига сабаб бўлганлигини унутган бўлсалар?

Ҳа, бошқа фасллар сингари қишнинг ҳам пайсалга солиб бўлмайдиган энг долзарб юмушлари бўлади. Уларнинг ҳар бирини ўз вақтида сифатли қилиб бажариш лозим. Шундай қилинсагина кўнгилдагидек ҳосил етиштириш мумкин. Акс ҳолда эса баъзи хўжаликларда бу йил рўй берганидек чала хирмонлар кўтарилиб, сўнг "аттанг" деб қолиш ҳеч гапмас. Кейинги пушаймондан эса фойда йўқлиги ҳаммага аён.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Воқеалар тўлқинида

➻ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ шаҳрида МДҲ иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг Парламентлараро ассамблеяси ўз ишини тугатди.

➻ 9 ДЕКАБРЬ куни Қозоғистон ҳукумати мамлакатнинг янги пойтахти деб эълон қилинган Оқмўла шаҳрига кўчди. Президент Н. Назарбоев, парламент аъзолари, юқори маҳкамаларнинг раҳбарлари — барчаси бу ерга келдилар. Лекин, уларни жойлаштиришда қатор мушкулликларга дуч келинди. Чунки, маъмурий бинолар қурилиши ҳали ниҳоясига етмаган эди. Давлат бошлиғига муваққат қароргоҳ ажратилди. Раҳбар лавозимдаги шахслар эса меҳмонхоналарга жойлаштирилди.

➻ 1979 ЙИЛГИ инқилобдан кейин Теҳрон бунчалик олий даражадаги меҳмонларни кутмаган эди. Ўтган сешанба куни Эрон пойтахтида Ислом Конференцияси Ташкилотининг (ИКТ) катта анжумани очилди. Унда 55 мамлакатдан келган давлат бошлиқлари, бош вазирлар, валиаҳдлар иштирок этдилар. Уч кун давом этган конференцияда 140 та ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилди.

➻ ЯПОНИЯ ҳукумати Жанубий Курил оролларидаги аҳолисини япон тилига текин ўқитиш тадбирлари учун 500 миллион иен (4 миллион доллар) ажратиш фикрига келди.

➻ ЯҚИНДА ХХР таркибига қўшилган Сянгань вилояти маъмурлари айни кунларда том маънода тинчини йўқотиб қўйдилар. Бу ерда гриппнинг янги тури тарқалмоқда. Бу хил касалликнинг вируслари фақат қушлардагина учрар экан. Ҳозирча икки киши нобуд бўлди. Касаллик намунаси таҳлил ва ташхис учун АҚШга жўнатилди.

"ҚОРА ҚИТЪА" БЎЙЛАБ САФАР

ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним Африка қитъаси бўйлаб сафарга чиқди. У 8—15 декабрь кунлари Африканинг қатор мамлакатлари — Хабашистон, Уганда, Руанда, Конго Демократик Республикаси, Жанубий Африка Республикаси ҳамда Зимбабве сингари давлатларда бўлади. Сафардан кўзланган асосий мақсад мазкур қитъанинг етакчи мамлакатлари билан АҚШ ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришдир.

«АН-124»НИНГ ҲАЛОКАТИ

ҲА, ЖАҲОН АВИАЦИЯСИ тарихида бундай фожеалар чиндан ҳам камдан-кам учрайди. Навбатдаги фалокат Россиянинг Иркутск шаҳри осмонида рўй берди. Тайёрагоҳдан кўтарилган "Руслан" русумидаги "АН—124" баҳайбат ҳаво кемаси парвоз бошланганидан сўнг бир неча дақиқадан кейин ҳалокатга учради. У Иркутск шаҳри марказидаги кўп қаватли бинолардан бирининг устига йиқилди. Гражданская кўчасидаги 45-иморатда яшовчи одамлардан 70 га яқини бир неча сонияда оламдан кўз юмдилар. Энг даҳшатли манзара шу бўлдики, баҳайбат самолётнинг асосий қисми бино ичига кириб кетган бўлиб, унинг дум томонигина ташқаридан кўриниб турарди.

Бу машъум хабар тезда мамлакат пойтахти Москвага етиб борди. Мамлакат президенти, бош вазир, қатор қутқарув маҳкамалари дарҳол зарур чора-тадбирларни кўра бошладилар.

Нима учун бу ҳалокат содир бўлди?! Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш идоралари, мазкур соҳага даҳлдор мутахассислар, фавқулодда ҳолат маҳкамаларининг ходимлари, амалдорлар айни кунларда ана шу саволга жавоб топиш билан шуғулланмоқдалар. Калаванинг учини топиш обдон қийин бўлмоқда. Кимдир самолётнинг икки мотори бирдан тўхтаган деса, кимдир, йўқ, унинг учта мотори бир зумда ишдан чиққан, деган тахминларни тарқатмоқда. Ушбу русумдаги тайёраларнинг Бош конструктори Петр Балабиевнинг айтишига қараганда, самолётнинг қаторасига икки ёхуд учта двигателининг ишдан чиқиши назарий жиҳатдан мумкин эмас. Чунки, уларнинг ҳар бири алоҳида манбадан қувват олиб, муваққат равишда ишлайди. Мамлакат бош ҳарбий прокурори Юрий Дёмин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган мулоқотда барча тафсилотлар бир неча кун ичида ойдинлаштирилади, деб айтди.

Ҳозирча тайёранинг энг асосий қисмларидан бўлган учта "қора яшчик" текшириш учун Москвага келтирилди. Унинг ичидаги магнит тасмалари зарарланган бўлса ҳам мутахассислар вазият ойдинлаштирилади, деб ҳисобламоқдалар. Бугун-эрта текширувчилар ва тегишли идоралар якуний хулосага келсалар, ажаб эмас.

ЖИНОЯТЧИЛИК — ЭНГ КАТТА ТАШВИШ

9—10 ДЕКАБРЬ кунлари АҚШ пойтахти Вашингтонда "саккизлик" деб аталмиш мамлакатлар уюшмасига кирувчи давлатларнинг вазирлар даражасидаги учрашуви бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мазкур йиғинда АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Италия, Канада, Россия, Франция ва Япония ички ишлар ҳамда адлия вазирлари иштирок этдилар. Мулоқотда асосан уюшган жиноятчилик ҳамда компьютер қароқчилигига қарши кураш муаммолари муҳокама этилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» га обуна бўлишни унутманг!

ТОШКЕНТДА АЙРЕКС АНЖУМАНИ

КУНИ кеча Ўзбекистон пойтахтида Халқаро Тадқиқот ва алмашув Кенгашининг АЙРЕКС дастури доирасидаги "Масофавий ўқитув: Тажриба ва тараққиёт" мавзусига бағишланган конференцияси ўз ишини бошлади. У АҚШнинг ЮСИА ахборот маҳкамаси ҳомийлигида ўтказилмоқда. Чунки, АЙРЕКС ҳамда ЮСИА сўнгги йилларда Ўзбекистонда ахборот тизилмасини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Натижада, Ўзбекистоннинг "Интернет" тизилмасига қўшилишига имконият яратилди. Масофавий ўқитув дастури конференцияси талабалар, тадбиркорлар ҳамда турли касб эгаларининг ахборот соҳасидаги билимларини кенгайтиради. Унда АҚШ, Туркия ҳамда Таиланддан келган мутахассислар билан бевосита танишувлар бўлади. Анжуман охирида баайни шундай тизилмани Ўзбекистонда жорий этиш масаласи кўриб чиқилади. Мазкур конференция бугун ўз ишини ниҳоясига етказади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

➻ БОШҚИРДИСТОНДА "Чаён" деб аталган жиноятчи гуруҳнинг 20 дан зиёд аъзолари яқинда хибсга олинган эдилар. Уларнинг кўпчилиги ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг ходимлари бўлиб чиқди. Уфа шаҳар Оржоникидзе тумани патрулпост хизмати сержанти Ранис Теляшев бошлиқ погон тақкан жиноятчилар устидан олиб борилган суд жараёни тамом бўлди. Тўда "раҳнамо"си ўн беш йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди.

➻ ИНСОН умрининг 75—80 йили ичида 23 минг литр туфук, 18 минг литр тер чиқарар экан. Унинг олган тирноғи узунлиги тўрт метрга тенг бўлади. 22 тонна озиқ-овқат, 33 минг литр суюқлик истеъмол қилинади. Инсон юраги шу давр мобайнида 3 миллиард марта урар экан. Унинг ўпкаси 720 миллион марта нафас олиб, ҳаво чиқаради.

➻ БУ ҲОДИСА Мари-элнинг Йошкар-ола шаҳрида истиқомат қилувчи бир оилада содир бўлди. Сантехника устаси бўлган йигит кайф устида соқол олмоқчи бўлиб, ойна олдига яқинлаш ди-ю, жонҳолатда бақириб юборди. Қиттак-қиттак қилиб ўтирган унинг хотини ичкаридан югуриб чиқди. Кўзгуга қараган аёл ҳам гуп этиб ерга йиқилди... Эр-хотиннинг гаплариga қараганда, ойнада уларнинг кўзига баҳайбат маймун келбати кўринган эмиш... Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама, деганлари шу бўлса керак.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 15

I

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан 15 декабрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўз аризасига биноан». Мультфильм.
18.20 «Олам ва одам».
18.40 «Аср муаммоси».
19.05 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 00.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Деҳқонга мадад, ҳосилга барака». 1-қисм. Изланишлар.
21.25 «Қўшиқ билан кўраман оламни».
21.55 «Демократия сабоқлари».
22.15 Волейбол бўйича эркаклар ўртасида жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари. Ўзбекистон — Австралия.
22.45 А. Навоий. «Искандар». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
00.10 «Ахборот».
00.35 — 00.40 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Табиат дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 «Спорт қитъаси».
23.45 — 23.50 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт.
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.15 Болалар учун. «Омад юлдузи».
9.45 «Соғлом авлод учун».
10.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.25 Кино янгиликлари.
10.40 «Ганг, сувларинг лойқаланди». Бадиий фильм 1 — 2-сериялар.
13.20 «Ёзувчи ва замон»
13.40 — 14.00 Ўзтелерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

* * *

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида». Сериал.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 21.35

*

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Фирибгарлар найранги». Бадиий фильм. 1-серия (АҚШ).
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 20.50 — Эълонлар.
19.05 «Умид».
19.35 «Умр баҳори».
19.50 «Авторейд».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Спорт-тайм».
20.55 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.
22.20 «Гўзаллик ва мангулик».
22.40 «Ракурс».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Муҳаббатим қуйлайман». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Миллат чечаклари».
10.20 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.

*

12.00 «Шарқ тароналари».
12.30 — 14.00 «Ҳалқа». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.30 «Бармоқлар сеҳри».
18.50 «Най навоси». Абдулаҳад Абдурашидов.
19.10 «Кафолат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.45 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у, аммо...»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Деҳқонга мадад, ҳосилга барака». 2-қисм. Умид учқунлари сўнмасин.
21.20 «Дилрабо дерлар сени». Мусиқий дастур.
22.05 Телетанлов. «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Бухоро вилояти.
22.50 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
23.10 «Саҳна ҳаёти».
23.50 «Ахборот».
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Дойче Велле» тақдим этади...»
18.50 «Нафис мажлислар».
19.05 «Сиздан мактуб олдик».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «АКС».
20.15 «Услуб».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Жаҳон хотираси».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.15 Кундалик.
23.25 «ТВ-II. Диско».
23.45 — 23.50 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида». Сериал.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Фирибгарлар найранги». Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 — 23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 21.45 — Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Ўйингоҳ».
20.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.15 «Тиббиёт сизлар учун».
21.50 «Телефакт».
22.00 «Долзарб репортаж».
22.20 Эркаклар ўртасида волейбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари якунларига.
22.40 «ТВ IV да Немис тўлқини».
23.05 «Дурдаршан».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 —8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Дилрабо дерлар сени». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шайхонтоҳур».
9.25 «Спортимиз фидойилари».
9.40 «Нуроний». Тележурнал.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Юртим жамоли».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.

*

11.30 «Рақс, рақс,рақс».
11.45 Телетанлов. «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Бухоро вилояти.
12.30 — 14.00 «Мис фариштa». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бугдойзордаги уйча». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Санъаткор саодати». Мусиқий дастур.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05, 22.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Назм ва наво». Ҳувайдо лирикаси.
22.10 Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Х сессияси олдидан. «Парламент соати».
22.30 «Тундаликлар». Асқад Мухтор.
23.00 «Ахборот».
23.25 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Классик қўйлар кечаси».
18.55 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
19.10 «Бизнинг авлод».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хонадон».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қатрада қуёш».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05 — 00.10 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида». Сериал.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 1-серия.
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.55 — Эълонлар.
19.05 «Нафосат гулшани».
19.40 «Дунё ва болалар».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «24-25 қайтмайди». Бадиий фильм.
22.00 «Автосалтанат».
22.10 «Рақслар қанотида».
22.40 «Азизим».
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Назм ва наво». Ҳувайдо лирикаси.
9.20 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.40 Болалар учун «Мактублар — кабутарлар».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Дунё бўлди, чаманим маним».
11.35 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
12.05 «Арабелла — қароқчи қизи». Бадиий фильм.
13.15 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.45 «Алдар Кўса». Мультфильм.
14.05 — 15.05 «Сайқал». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қуённинг кўз ёшлари». Мультфильм.
18.20 «Кишлоқ ҳаёти».
18.35 «Фан фидойиси».
18.55 «Шеър ва шуур».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.10, 23.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Барҳаёт сиймолар». Юнус Ражабий.
22.15 «Жаҳон бозорига йўл». Малайзия.
22.35 «Битик». Публицистик кўрсатув.
22.55 «Муҳаббат боғида ёнган юраклар». Киноконцерт.
23.15 «Ахборот».
23.40 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия.
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Мультипанорама.
9.20 «Кусто командасининг сувости одиссеяси».
9.45 «Синфдош».
10.15 «Бари ҳазил».
10.25 «Кенгга — кенг дунё».
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.20 «Мусиқа салтанати».
11.45—13.15 Видео—«О».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Дубляж».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Одобнома».
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Келин-куёв». Телешоу.
22.30 «Кино жавонидан».
24.00 — 00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида». Сериал.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Матсалу қўриқхонаси». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.15 — Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 Мультконцерт.
20.30 «Ҳамшаҳарлар».
20.50 «Ишингиз бароридан келсин».
21.20 «Каталог».
21.30 «Чинсэн».
22.00 «Дурдаршан».
22.30 «Интерспорт».
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Барҳаёт сиймолар». Юнус Ражабий.
9.15 «Юзма-юз».
9.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «ЎзДЭУ Асака».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Эъзоз».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.

*

11.30 «Ҳидоят сари».
11.50 «Қоинот гражданлари». Бадиий фильм.
13.00 «Ғазал оқшоми».
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.05—15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қизча ва қуёнчалар». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
18.40 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
19.00 «Истеъдод». Кибриё Оқилова.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акция ва акциядор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Санъат усталарининг концерти.
22.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Х сессияси олдидан. «Қалб минбари».
22.25 «Сеҳрли шўъла». Кинокўрсатув.
22.45 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
23.05 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Маърифий-дам олиш дастури.
23.30 «Олам».
23.50 «Ният хайр, оқибат хайр». Бадиий фильм.
01.20 — 01.25 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Жажжи давра».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт қўшиқ».
9.55 «Билиб қўйган яхши».
10.05 «Дубляж».
10.20 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
10.50 «Мутойиба».
11.10 «Одобнома».
11.20 «Келин-куёв». Телешоу.
12.00—13.30 «Кино жавонидан».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.40 «Камолот».
18.55 «Яхши дам олинг».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубль».
20.10 «Тақдим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 Мусиқа ва рақс.
21.25 «Дил дафтари».
21.35 «Даракчи».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 «Бокс, бокс, бокс».
23.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.35—00.40 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Соҳибжамол маликам». Бадиий фильм. 1-серия.
00.20 — 00.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.15 — Эълонлар.
19.05 «Умид чечаклари».
19.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.55 «Уй остонадан бошланади».
20.25 «Мардона йигитлар».
20.45 «Бегойим».
21.20 «Осиё монитори».
21.50 «Араб эстрадаси».
22.15 «Йиллар ортидаги йўллар».
22.45 «Рангинкамон».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
8.55 «Ният хайр, оқибат хайр». Бадиий фильм.
10.25 «Зиёрат».
10.35 «Умр мазмуни». Низом Комилов.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.55 «Идрок».
11.10 «Дунё ёшлари».
11.25 «Маҳорат».
11.45 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
12.05 «Туркий уруғлар». Қипчоқ.
12.20 «Кичкинтой устахонаси».
12.40 «Ноёб нусха». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.05 «Шукуҳ».
14.30 «Цирк! Цирк! Цирк!».
15.00 — 15.20 «Меҳр макони».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.15 «Ёшлик» студияси. «Нима учун?»
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.20 «Шеърият ва мусиқа».
21.50 «Қиёфа». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наби Абдурахмонов.
22.20 «Жаҳон спорти».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.30 «Куй ва тасвир».
22.50 «Ҳазил».
23.00 Микель Плачидо «Шов-шув» фильмида. 6-серия.
00.30 «Мунажжим башорати».
00.35—00.40 «Тунги пойтахт таронаси».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.25 «Камолот».
9.40 «Яхши дам олинг».
9.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.10 «Дубль».
10.25 «Тақдим».
10.40 «Ривоят».
10.50 Мусиқа ва рақс.
11.05 «Дил дафтари».
11.15 «Кинонигоҳ».
12.50 — 13.10 Бокс. Бокс. Бокс.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёси». Сериал.
19.00 «Таянч».
19.15 «Табиат шифохонаси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ТВ ва театр».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео—«О».
00.10 «Интерфутбол».
00.30 Дилором наволар.
00.40 — 00.45 «Тунингиз хайрли бўлсин».

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.15 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Соҳибжамол маликам». Бадиий фильм. 2-серия.
22.40 — 22.55 «Куй ва соз соҳиби». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.45 «Кросс-Роудс кафеси»га хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова). Инглиз тили — ҳамма учун.
11.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.00 — 12.20 «Корейс тилини ўрганамиз».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.35 — Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Биргаликда куйлайлик».
20.45 «Спектаклдан сўнг».
21.15 «5 дақиқа ўзим учун».
21.20 «Далил ва шарҳ».
21.40 «Самодаги олмослар». Телесериал.
22.30 «Мусиқий кечалар». Дуэт «Паганини» (Италия).
22.45 «Бу ажиб дунё».
23.00 «Хит-коллекция».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Олам». Кинокўрсатув.
11.20 «Зийнат».
11.40 «Қувноқ стартлар».
12.25 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
13.05 «Шеърият ва мусиқа».
13.35 «Талабалар саҳнасида».
14.15 «Ки, сен ҳам ҳур туғулгонсан». Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига.
14.50 — 15.50 «Нурли келажак». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.25 «Кўнгил ойнаси».
18.45 «Чемпион билан учрашув».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 Эстрада концерти.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Телевизион миниатюралар театри». Кулги дастаси.
21.35 «Ўзбекистон бастакорлари». М. Бафоев.
22.10 «Спорт, спорт, спорт».
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
22.30 Кино янгиликлари.
22.45 Телевикторина.
22.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.25 «Қасос ва қонун». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1—2-сериялар.
01.55—02.00 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Сувости дунёси». Сериал.
9.45 «Таянч».
10.00 «Табиат шифохонаси».
10.10 «Бизнес-академия».
10.25 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.40 «ТВ ва театр».
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Интерфутбол».
12.10 Дилором наволар.
12.20—13.55 Видео—«О».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Болалар дунёси».
18.35 «Сувости дунёси». Сериал.
19.00 «Турфа олам».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Нафосат».
20.10 «Жараён».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Зар қадри». Мусиқий дастур.
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар ўйини».
22.40 «Даракчи».
22.50 «Тақвим, Эълонлар, Оҳанглар».
23.00 Видео—«О».
00.35 «Келгуси ҳафтада».
00.50—00.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 — 21.55

*

21.55 Эълонлар.
22.00 «Механик». Бадиий фильм.
23.35 — 24.00 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!»
9.30 «Парле ву франсэ?
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Эълонлар.
11.50 Киносалон. «Ромео и Жульетта». Бадиий фильм.
14.35 «Жонли сайёра».
14.55 «Метро». Бадиий ф

Эшитмадим деманглар !

ҚИЗИҚЧИЛАР ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

ВИЛОЯТИМИЗ ёшлари ўртасида маънавий тарбияни шакллантириш, иқтидорли ижодкор ёшларни излаб топиш, уларни кенг оммага таништириш ва рағбатлантириш мақсадида республика ёшлари "Камолот" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими, вилоят маданият бошқармаси, республика радиосининг "Тошкент" студияси ва "Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририяти сўз усталарининг "Қизиқчи—97" кўрик-танловини ўтказиш юзасидан қўшма қарор қабул қилди.

Танлов низомига кўра, унинг дастлабки босқичлари вилоят шаҳар ва туманларида бўлиб ўтади. Танлов ғолиблари вилоят танлови босқичида қатнашиш учун тавсия қилинадилар.

Ушбу танловда маълумотидан қатъий назар, 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ижодкорлар қатнашишлари мумкин. Иштирокчилар ўз махсус дастурларини танлов ташкилий қўмитаси эътиборига тақдим этишлари лозим. Репертуар бадиий жиҳатдан юксак бўлиши, унда халқ оғзаки ижодининг энг яхши намуналари ифода этилиши, ҳаётимиздаги камчилик ва нуқсонлар сатира ва юмор орқали фош этилиши танловнинг асосий шартларидан биридир.

Кўрик-танловда ғолиблар учун 3 та ўрин белгиланган: 1 та биринчи ўрин, 2 та иккинчи ўрин, 3 та учинчи ўрин.

Вилоят кўрик-танловида ғолиб чиққан 1-ўрин соҳиби қизиқчиларнинг республика кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Барча қизиқувчиларни танловда фаол қатнашишга чақирамиз. Истеъдодингиз ва омадингизни синаб кўринг! Ғолибларни қимматбаҳо эсдалик совғалари кутмоқда.

"Қизиқчи—97" вилоят танловига марҳамат!

ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар ва туманлари даволаш муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза этишга эътибор ортиб бормоқда. Ҳусусан, Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигида жойлашган қишлоқ шифокорлик пунктида кичкинтойларни гепатит хасталигининг олдини олиш учун умумий назоратдан ўтказиш яхши йўлга қўйилган.

Суратда: шифокорлик пунктининг болалар врачи Феруза Ҳамидова чақалоқни кўрикдан ўтказаётган пайт.

Даврон АҲМАД олган сурат.

"Франция-98" жаҳон чемпионати

FRANCE 98

ДАСТЛАБКИ РАҚИБЛАР ВА ЎЙИНЛАР МАЪЛУМ

КЕЛАСИ ЙИЛ 10 июнда Францияда бошланадиган навбатдаги жаҳон биринчилиги ҳозирданоқ ер курасининг миллионлаб муҳлислари диққат-эътиборини тортмоқда. 4 декабрь маҳаллий вақт билан соат 22.55 да Марселдаги велодромда ўтказилган қуръа ташлаш маросимининг ўзиёқ минглаб муҳлислар кўз ўнгида ва миллионлаб "зангори экран" қаршисидан жой олган ишқибозлар учун катта байрамга айланди. Дастлабки рақиблар ва учрашув муҳлатлари эълон қилинди.

Маълумки, бу сафар жаҳон биринчилигининг финалида 32 мамлакат терма жамоалари қатнашади. Овруподан энг кўп 15 жамоа бўлса, Осиёдан тўрт мамлакат — Япония, Қурия, Саудия Арабистони ва Эрон терма жамоалари иштирок этишади. Қуйида футбол муҳлислари эътиборига саккиз гуруҳда бўладиган дастлабки учрашувлар тақвимини ҳавола этамиз:

"А" ГУРУҲИ
БРАЗИЛИЯ, ШОТЛАНДИЯ, МАРОКАШ, НОРВЕГИЯ
Бразилия — Шотландия — 10 июнь
Марокаш — Норвегия — 10 июнь
Бразилия — Марокаш — 16 июнь
Шотландия — Норвегия — 16 июнь
Бразилия — Норвегия — 23 июнь
Шотландия — Марокаш — 23 июнь

"В" ГУРУҲИ
ИТАЛИЯ, ЧИЛИ, КАМЕРУН, АВСТРИЯ
Италия — Чили — 11 июнь
Камерун — Австрия — 11 июнь
Италия — Камерун —17 июнь
Чили — Австрия — 17 июнь
Италия — Австрия — 23 июнь
Чили — Камерун — 23 июнь

"С" ГУРУҲИ
ФРАНЦИЯ, ЖАНУБИЙ АФРИКА, САУДИЯ АРАБИСТОНИ, ДАНИЯ
Франция — ЖАР — 12 июнь
Саудия Арибистони — Дания — 12 июнь
Франция — Саудия Арабистони — 18 июнь
ЖАР — Дания — 18 июнь
Франция — Дания — 24 июнь
ЖАР — Саудия Арабистони — 24 июнь

"Д" гуруҳи
ИСПАНИЯ, НИГЕРИЯ, ПАРАГВАЙ, БОЛГАРИЯ
Парагвай — Болгария — 12 июнь
Испания — Нигерия — 13 июнь
Испания — Парагвай — 19 июнь
Нигерия — Болгария — 19 июнь
Испания — Болгария — 24 июнь
Нигерия — Парагвай — 24 июнь

"Е" гуруҳи
ГОЛЛАНДИЯ, БЕЛЬГИЯ, КОРЕЯ, МЕКСИКА
Голландия — Бельгия — 13 июнь
Корея — Мексика — 13 июнь
Голландия — Корея — 20 июнь
Бельгия — Мексика — 20 июнь
Голландия — Мексика — 25 июнь
Бельгия — Корея — 25 июнь

"F" гуруҳи
ГЕРМАНИЯ, АҚШ, ЮГОСЛАВИЯ, ЭРОН
Югославия — Эрон — 14 июнь
Германия — АҚШ — 15 июнь
Германия — Югославия — 21 июнь
АҚШ — Эрон — 21 июнь
Германия — Эрон — 25 июнь
АҚШ — Югославия — 25 июнь

"G" гуруҳи
РУМИНИЯ, КОЛУМБИЯ, АНГЛИЯ, ТУНИС
Руминия — Колумбия — 15 июнь
Англия — Тунис — 15 июнь
Руминия — Англия — 22 июнь
Колумбия — Тунис — 22 июнь
Руминия — Тунис — 24 июнь
Колумбия — Англия — 26 июнь

"Н" гуруҳи
АРГЕНТИНА, ЯПОНИЯ, ЯМАЙКА, ХОРВАТИЯ
Аргентина — Япония — 14 июнь
Ямайка — Хорватия — 14 июнь
Япония — Хорватия — 20 июнь
Аргентина — Ямайка — 21 июнь
Аргентина — Хорватия — 26 июнь
Япония — Ямайка — 26 июнь

Албатта, миллионлаб футбол муҳлислари жаҳон биринчилигининг ҳар бир ўйинини катта эътибор ва қизиқиш билан кузатишади. Учрашув натижаларини эса ҳамёнларидаги тақвимга қайд қилиб боришади. Биз гуруҳларда ўтказиладиган учрашувлар тақвимини муҳлислар эътиборига ҳавола этар эканмиз, улар бундан фойдаланадилар деб ўйлаймиз.

ЭРГАШ АКА ҚУРГАН ТЕГИРМОН

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманининг сўлим "Кавардон" қишлоғида Эргаш ака Пайзибоев деган ажойиб инсон бор. У ҳамиша қишлоқ аҳолисининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш ташвишида куйиб-пишиб юради. Сочларига оқ оралаб, ёши бир жойга бориб қолган бўлсада Эргаш ака фарзандлари билан маслаҳатлашиб, хайрли ишга қўл урди.

У қишлоқда ун маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораётганлигини сезгач мўъжазгина тегирмон қуришга бел боғлади. Тегирмонни қуриб битказиб, то уни ишга тушургунча озмунча меҳнат қилмади, дейсиз. Ўз уйидан унча узоқ бўлмаган ташландиқ қирликдан бир неча гектар ерни ўзлаштирди. Шахсий трактори билан ўнқир-чўнқир, лой-балчиқ йўлга шағал тўкди. Оқилиқ сойидан цемент лотоклар ёрдамида қирликка сув олиб чиқди. Ўша кезларда Эргаш аканинг бу қилаётган ишларига баъзилар ажабланди ҳам. Аммо, Эргаш ака ўз сўзида қатъий туриб, тер тўкиб ишлади.

Оғир ва машаққатли меҳнат эвазига у бир неча ой деганда тегирмонни қуриб ишга туширди. Ҳозирда кавардонлик тадбиркор Э. Пайзибоев ишга туширган тегирмон кўпчиликка катта наф келтирмоқда. Бу қулайликдан эса ҳамқишлоқлар мамнун бўлишмоқда.

Латифжон МАНСУРОВ.

Ҳар тўғрида

МИНГ ДАРДГА ШИФО

Исроиллик олимлар саримсоқнинг турли хил касалликларга даво эканлигини яна бир бор исботладилар. Вейцман номли илмий-тадқиқот институти доришуносларининг саримсоқдан ўзига хос хид ва маза берадиган моддани соф ҳолда олишга муваффақ бўлишди.

Бу модда аллицин деб аталди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бу модда кўп сонли касалликларни келтириб чиқарадиган "уйғотгич"ларни зарарсизлантириш хусусиятига эга экан. "Инсоният қадим замонлардаёқ саримсоқнинг шифобахш хусусиятга эга эканлигини аниқлаганлар, — дейди ушбу институт олимларидан бири.

— Аммо аллицин моддаси соф ҳолда олингачгина бу фикрнинг тўғри эканлиги маълум бўлди. Эҳтимол аллицин келажакнинг минг дардга шифо бўладиган дорисига айланар".

ЧЕКМАНГ — КЎЗИНГИЗГА ЗАРАР

Тамаки чекиш кўз тўқималарига зарар етказади, кексайганда кўр бўлиб қолиш эҳтимолини уч баравар оширади. "Кўзнинг марказий тўқималари зарарланиши кўпроқ кекса кишиларда учрайди, — дейди Лондондаги офтальмология институтининг ходими Ричард Уормальд.

— Ушбу касалликнинг ўзига хос шакли кўз тўқималаридаги қон томирларининг ишдан чиқиши билан боғлиқдир. Бу тамаки чекувчиларда кўпроқ учрайди". Инсон қанчалик кўп чекса кўз касаллигига дучор бўлиши эҳтимоли шунчалик кучлидир. Эллик ёшдан 69 ёшгача бўлган чекувчиларда чекмайдиган кишиларга қараганда кўр бўлиб қолиш эҳтимоли уч баравар кўпдир.

Ўсимликдан тайёрланган озуқа таркибидаги микроэлементлар кўз тўқималарини зарарли моддалар таъсир кучидан ҳимоя қилади. Бироқ тамаки чекиш ана шу микроэлементларнинг танада айланишини тўхтатиб қўяди. Натижада киши кўр бўлиб қолиши мумкин.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қараганда 13—17 декабрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг ўзгарувчан келиши кутилмоқда.

Айрим тоғли туманларда ёмғир ва қор ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат ҳафтанинг дастлабки ва сўнгги кунларида кечалари 0—5 даража илиқ, ҳафта ўртасида эса 0—5 даражагача пасайиши мумкин. Ҳафта мобайнида ҳарорат кундуз кунлари 4—9 дан 9—14 даражагача илиқ бўлади.

ДИПЛОМФУРУШЛАР

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ХАЛҚДА шундай ибратли гап бор: "Бировларнинг ризқи ҳисобига кимхоб тўн кийгандан, ҳалол меҳнат эвазига бўз чопон кийган афзалроқ". Бунинг маъноси шуки, бировнинг ризқи ҳеч қачон бировга буюрмайди, алдамчилик, текинхўрлик, ҳаром бойлик орттиришга ружу қўйиш охир-оқибат кишини чоҳга етаклайди. Хўш, биз бугун тилга олмоқчи бўлган "кимхоб тўнли" бойваччалар бу ҳикматни эшитмаганмидилар? Эшитганлар, албатта. Аммо, осонгина келиб турган "минг-минг"лар уларнинг кўзларини кўр, қулоқларини кар қилиб қўйган бўлса, не ажаб?!

Қанотбек Ибрагимов... Жиноятнинг ўзгаларга тан жароҳати етказмай туриб бажариладиган антика йўлини ўйлаб топган бу одам асли Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан. Кейинги пайтда Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида яшаган. 1995 йилда Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳрига кўчиб келган. У ҳеч қаерда ишламасдан, 1995—97 йиллар мобайнида К. Маҳмудов, И. Балашова, Ш. Шокиров, А. Шарипов деган кимсалардан ибрат уюшган гуруҳ тузиб, унга раҳбарлик қилган. Бу гуруҳ мунтазам равишда муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатлар, яъни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус билим юртларининг сохта дипломларини тайёрлаш, қалбакилаштириш, алдаб сотиш ва кишиларнинг ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан кўп миқдорда ўзгалар мулкини қўлга киритиш жиноятларини содир этиб келган.

Пулнинг дарагини эшитган жойда ҳозиру-нозир бўладиган бундай товламачиларнинг биринчи қурбонлари, одатда, содда кишилар бўладилар. Улар қонунни яхши билмаслик, ўзлари яхши танимаган одамларга ортиқча ишониш оқибатида мол-мулкидан айриладилар, энг ёмони, ўзлари билмаган ҳолда шу жиноятга шерик бўладилар. Сохта дипломнинг бозорини юргизишда устаси фаранг бўлиб кетган Қанотбек Ибрагимовнинг "қармоғига" ҳам унинг эски таниши бўлган Шавкат Шокиров осонгина илинди...

Қ. Ибрагимов 1996 йилнинг июнь ойида Сирдарёда яшайдиган таниши Шавкат Шокировникига ташриф буюради. Бироз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, Қанотбек мақсадга ўтиб, Шавкатнинг кўнглига қўл сола бошлайди:

— Ҳозир мен Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш муҳандислари институтида домла бўлиб ишлаяпман, — дейди у. — Бошқа олийгоҳларда ҳам танишларим бор. Бирортасини ўқишга киритиш керак бўлса, ёрдам беришим мумкин. Дарвоқе, ҳозир Тошкент давлат педагогика институтига иккита бўш ўрин бор. Шартнома асосида пулини тўлаб, ўқиса бўлади. Агар одам топсанг, киритиб қўяман, сен ҳам қуруқ қолмайсан... Эсингдан чиқарма, ҳар битта ўрин 20 минг сўм туради.

У бир-икки кундан кейин хабар олишини айтиб, ортига қайтади. Опасининг қизи ўқишга кира олмай келганини эслаган Шавкат дарҳол поччасининг олдига бориб, Қ. Ибрагимовнинг таклифини айтади. Почча рози бўлибгина қолмай, ўқишга киришга яна бир одам борлигини айтади. Хуллас, орадаги келишув битгач, Шавкат поччаси ва Д. Абланов деган шахснинг ҳар биридан 20 минг сўмдан олиб, қизларнинг шахсий ҳужжатларини қўшиб Қ. Ибрагимовга олиб бориб беради. Сўнгра иккаласи биргаликда Тошкентга келишади. Қ. Ибрагимов Шавкатни ташқарида қолдириб, ўзи институт ичкарисига кириб кетади. Бироздан кейин қайтиб чиқиб:

— Ҳозир керакли одамлар йўқ экан, сен кетавер, ҳужжатларни ўзим олиб бориб бераман, — дея Шавкатни жўнатиб юборади.

Орадан бир неча кун ўтгач, "зачётка ва талабалик билетлари"ни олиб келиб кўрсатиб, негадир яна қайтариб олиб кетади. Мижозларнинг ишонганини ва оппа-осонгина қирқ минг сўмлик бўлиб қолганини ҳис қилган Қанотбек энди Шавкатга иккинчи таклифини айтади:

— Тошкент автомобиль йўллари институтининг дипломи бор. Агар харидор бўлса топиб бер, улушингни оласан. Паспорт ва иккита расм бўлса, кифоя. Нархи 5 минг сўм.

Шавкат бу гапни ўртоғи Абдуҳолиқ Умаровга етказади:

— Қалбаки эмасми? — сўрайди А. Умаров.

— Нима деяпсан? Таклиф қилган одам институтда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Шундан сўнг А. Умаров 5 минг сўм пул ва бошқа керакли ҳужжатларни олиб келиб беради. Шу орада Шавкатнинг олдига жияни келиб, ишхонасига сиртдан ўқиётганлиги тўғрисида маълумотнома сўрашаётганини айтади.

Ш. Шокиров бу иш юзасидан Ғазалкентга Қ. Ибрагимовни қидириб келади. Кейин иккаласи биргаликда Тошкентга — педагогика олий ўқув юртига боришади. Бу ердан Қанотбек керакли маълумотномани олиб чиқиб беради.

1997 йил бошланишидан сал олдин унинг олдига яна ўша жияни келиб, нима учун менга ўқишга чақириқ қоғози келмаяпти, деб сўрайди. Бунинг устига ўртоғи А. Умаров ҳам бир неча марта келиб, ваъда қилинган дипломни сўраган, бўлмаса, пулини қайтариб беришларини айтган эди.

Шундай қилиб, ўртадаги воситачи Ш. Шокиров 1997 йилнинг 12 январида яна Тошкентга келади. Институтга келса, ўқишлар аллақачон бошланиб кетган экан. Кўнгли нимадандир безовталаниб, Қ. Ибрагимовни йўқлаб Ғазалкентга боради. Уни топиб, кўнглидаги шубҳаларини тўкиб солади:

— Акаси, буёғи неча пулдан тушди энди? Ўқишлар бошланиб кетибди-ку. Жиянимга эса чақириқ қоғози бормади. Сабабини билсак бўладими?

— Сен хавотирланма. Домлалар билан гаплашиб қўйганман, баҳоларини ўзим қўйдириб бераман, — деди уни юпатиб Қанотбек.

— Унда диплом қани? Эгаси сўрайвериб, холи-жонимга қўймаяпти.

Шунда Қ. Ибрагимов Шавкатга битта диплом беради. Унга А. Умаровнинг исм-фамилиясини ёзишиб, эгасига етказишади...

* * *

...ҚАЛАЙ, ҳеч бир заҳмат чекмай туриб, бир дамда тайёр дипломли бўлиш ёки ўқишга бормасдан ҳам "зачётка"ни тўрт ва беш баҳоларга тўлдириш чакки эмас-а?! Аммо ҳар қандай қинғир ишнинг қийиғи бир кунмас бир кун очилиб қолса, унинг нарҳи қанчага баҳоланишини ким билади? Буни қўрқмасдан Қанотбек Ибрагимов ва унга ўхшаган товламачилардан сўрайверинг. У бошчилигидаги сирдарёлик Ш. Шокиров, қашқадарёлик К. Маҳмудов, А. Шарипов, тошкентлик И. Балашовалардан иборат тўда ўзлари амалга оширган товламачилик анча қимматга тушганига бугун икрор бўлиб ўтиришибди.

Ҳа, кўза кунда эмас, кунида синади, деган гап бежиз айтилмаган. Одамларни алдаб, катта пул эвазига турли олийгоҳ ва билим юртларига ўқишга киритиб қўймоқчи бўлган ва сохта дипломларни сотиб юрган бу кимсаларнинг илдизига бугун болта урилди. Тўда бошлиғи Қ. Ибрагимов фуқаро Х. Ертаевга Тошкент давлат иқтисодиёт олийгоҳининг сохта гербли муҳри туширилган дипломини 10 минг сўм пул ва 100 АҚШ доллари эвазига сотаётганда Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик қўмитасининг Тошкент шаҳар ва вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ушланди.

Яқинда жиноятчилар устидан суд ҳукми ўқилди. Қ. Ибрагимов 12 йилга, Ш. Шокиров 9 йилга, К. Маҳмудов 2 йилга, А. Шарипов 1 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилдилар. И. Балашова ва А. Умаровлар ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилиб, даромадларининг бир қисми давлат фойдасига ундириладиган бўлди. Шунингдек, товламачилар томонидан одамлардан алдов йўли билан олинган пуллар ҳам ўз эгаларига ундириб берилади.

Ҳа... Донишмандлар айтганидек, бировларнинг ризқи ҳисобига кимхоб тўн кийгандан, ҳалол меҳнат эвазига бўз чопон кийган минг марта афзалроқ...

Иззатилла ПИРМАТОВ.

ЭЛЛОНЛАР

«ЎЗБЕКНАВО»
ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИ
17 ДЕКАБРЬ соат 18.00 да
«ТУРКИСТОН» САРОЙИДА
УСТОЗ ҲОФИЗ, СОЗАНДА ВА БАСТАКОР, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ
ҲОЖИ АБДУЛАЗИЗ АБДУРАСУЛОВ
номидаги I Республика хонандалар танлови ғолибларининг
КОНЦЕРТИ
Қатнашадилар:
ГУЛСАРА ҒОЙИБОВА, СОЙИБЖОН НИЁЗОВ, БОБИР ЮЛДАШЕВ, ФАРҲОД ХАЛИМОВ, ЎЛМАС ОЛЛАБЕРГАНОВ, АБДИВАЛИ БЕРДИЕВ, АДҲАМЖОН АБДУЛҲАЕВ, ДИЛНУРА МИРЗАҚУЛОВА, ТЎЙМУРОД ҚОДИРОВ, БАРЧИНОЙ РЎЗИОХУНОВА, САНОБАР САТТОРОВА, ИЛҲОМ СИРОЖИДДИНОВ, РУСТАМ ХОЖИМАМЕДОВ, ОЗОД ТУРСУНОВ.
Концертни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
ЎТКИР СИДДИҚОВ *олиб боради*
Чипталар «Туркистон» саройининг кассаларида сотилмоқда.
Маълумотлар учун телефонлар — 34-99-45, 34-00-43, 133-73-10.

«ЎЗБЕКНАВО»
гастроль-концерт бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими бирлашма қошида ташкил этилаётган МИЛЛИЙ АШУЛА ВА РАҚС ЖАМОАСИГА танлов асосида
ХОНАНДА, СОЗАНДА ва РАҚҚОСАЛАРНИ
ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Мурожаат учун телефонлар: 64-83-43, 64-84-93. Манзилимиз: Қибрай тумани, «Дўрмон» маданият саройи биноси.

Чиноз туманидаги Циалковский номли 2-кечки ёшлар мактаби томонидан 1989 йилда Ихтиёр Жўраев номига берилган 779975 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси маъмурияти Оққўрғон тумани марказий шифохонаси бош шифокори Ғ. Юсуповга падарибузруквори **Солибой ота ЮСУПОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48* *Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0811. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 8.734 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6